

ТОШКЕНТ ЕПАРХИЯСИГА БОШЧИЛИК ҚИЛГАН РУҲОНИЙЛАР ФАОЛИЯТИ ТАҲЛИЛИ

Мукаррамов Дилшод Қосимович

Фарғона давлатуниверситети магистранти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7233698>

Аннотация. Мақолада христиан динининг Туркестон ўлкасига кириб келишининг қисқача тарихи, ушибу дин вакилларининг Чор Россияси томонидан ўлканнинг босиб олинганидан кейинги ҳаёти, диний ташкилотлари фаолияти, хусусан Тошкент епархияси ва унга бошчилик қилган руҳонийлар фаолиятининг таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: дин, христиан дини, католик, провослав, черков, епархия, руҳоний.

АНАЛИЗ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ВОЗГЛАВЛЯЕМОГО СВЯЩЕННИКОВ ТАШКЕНТСКОЙ ЕПАРХИИ

Аннотация. В статье анализируется краткая история проникновения христианской религии на Туркестанский край, жизнь представителей этой религии после оккупации территории царской Россией, деятельность религиозных организаций, в частности Ташкентской епархии и деятельность возглавляемого ею духовенства.

Ключевые слова: религия, христианская религия, католик, провослав, церковь, епархия, священник.

ANALYSIS OF THE ACTIVITIES OF PRIESTS HEADED BY THE TASHKENT DIOCESE

Abstract. The article analyzes the brief history of the penetration of the Christian religion into the Turkestan territory, the life of representatives of this religion after the occupation of the territory by Tsarist Russia, the activities of religious organizations, in particular the Tashkent diocese and the activities of the clergy headed by it.

Keywords: religion, Christian religion, Catholic, provoslav, church, diocese, priest.

КИРИШ

Халқаро мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, дунё аҳолисининг 83 фоизи фикр, виждан ва дин эркинлигини қаттиқ чеклашмоқда. Дин, эътиқод ёки куфрга асосланган таъқиблар, репрессиялар ва камситишлар кўплаб мамлакатларда кунлик ҳақиқатдир.

Ҳозирги кунда жаҳонда, маълум бир давлат худудида бир дин вакиллари яхлит қўпчиликни ташкил қиласалар ҳам, бошқа турли дин ва таълимот вакиллари ҳам биргалиқда истиқомат қиласилар. Ушбу вазиятда давлатнинг олдига қўйилган асосий мақсади – бу турли миллат вакиллари, динлар ва таълимотларга эътиқод қилувчиларнинг ўзаро тинч-тотув, инок, баҳамжихат бўлиб истиқомат қилишлари ва бор куч ва шижаотларини ватан тараққиётига эришиш йўлида бирлаштириш – устувор вазифа сифатида ўрнатилган.

Ўзбекистон миллий қонунчилик тизими мамлакатда яшовчи барча 16 дин вакиллари учун teng шароит яратмоқда. Конституция виждан ва эътиқод эркинлигини кафолатлади, тегишли қонунчилик базаси барча фуқароларнинг диний эҳтиёжларини қондириш учун шароит яратади, миллий ёки диний мансублигидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлайди ва шу асосда камситишларга қарши самарали курашади.

Ўзбекистон худудида христианлик дини ўчоқлари анча илгари пайдо бўлган бўлсада, ушбу диннинг православ оқими кириб келиши 150 йиллик тарихга эга. Хусусан, XIX аср ўрталарида Туркистон худудининг бир қисми Россия империяси томонидан босиб олиниши ерсиз ва қашшоқ аҳолининг шимол томондан қўчирилиши билан бир даврда содир бўлди[1].

Рус православ черковининг Тошкентдаги Успенский кафедрал собори – Тошкент ёки Ўзбекистон епархияси 1871 йил баҳорда Верный (Олма-Ота) шаҳрида Туркистон пархияси тарзида ташкил топган. (12. И smoилов У.К., 2020) Собиқ Иттифоқ даврида епархия ходимлари таъқиб остига олинган, бошқарув большевиклар қўлига ўтган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида бева аёллар ташрифи учун фаолият юритган. XX асрнинг 50 – йилларидан бошлаб эса яна таъқиб кучайган. Мустақиллик йилларида диний эркинлик берилган. 2011 йилнинг 27 июлидан янги ташкил этилган Ўрта Осиё митрополия ўлкаси таркибига киритилган. Тошкент епархияси раҳбари митрополия ўлкасига бошчилик қиласи. Митрополия ўлкасига тааллуқли ишлар, ҳамда литургик ибодатлар вақтида Ўрта Осиё митрополити деб номланади.

Тошкент шаҳридаги Успенский кафедрал соборида, XIX асрнинг бошларида пархияга архиепископ Дмитрий (Абашидзе) томонидан олиб келинган, Биби Маръямнинг Ивер иконасининг Афон муқаддас тоғида чизилган нусхаси сақланади.

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Мақола умум қабул қилинган тарихий услублар – тарихийлик, қиёсий – мантиқий таҳлил, кетма-кетлик, холислик тамойиллари асосида ёритилган бўлиб, унда дунё аҳолисининг диний қараашлари ва дунёда турли дин, миллат вакиллари ўртасидаги содир бўлаётган зиддиятлар, ҳамда турли сабабларга кўра юртимизга келиб қолган ва шу ерда қолиб, яшаб фаолият юритаётган ўзга миллат ва дин вакилларига давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, Ўзбекистон халқининг бағрикенглиги, тинч-тотувлиги, тинчликсеварлиги, ҳукуматимиз томонидан бу борада олиб борилаётган оқилона сиёsatнинг мамлакатнинг ижтимоий – сиёсий, маънавий ҳаётида юксак натижаларга эришаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

1897 йилдан 1911 йилгача, яъни 14-15 йил давомида ўлкадаги христиан дини вакилларининг сони 128% га, яхудийлар сони 127% га, ўлка аҳолисининг 95% ни ташкил этган мусулмонлар сони табиий ўсиш ҳисобига 19,4% га қўпайган. Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, христианларнинг православ мазҳабига мансуб вакилларининг сони 128% га, католик мазҳабига мансуб аҳоли эса 41% га қўпайган[2].

Бу даврда ўлкада кенг тарқала бошлаган номусулмон диний конфессиялардан бири – христиан дини бўлиб, бу энг аввало, ўлкада христиан дини вакиллари ҳукмронлигининг ўрнатилиши ва қўплаб рус аҳолисининг қўчиб келиши билан боғлиқ эди. Христиан дини ҳукумат томонидан муҳофаза остига олинган ягона дин эди. Ҳукумат ўлкада ўзи учун кучли таянчни юзага келтириш, христиан динини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида қўплаб рус аҳолисини қўчириб келиш сиёsatини амалга оширади. Ўлкага қўчиб келиш учун христианларнинг фақат православ мазҳабига мансуб вакиллари учун рухсат берилган бўлиб, улар учун қўплаб имтиёзлар яратилган.

Бундан ташқари жуда кўп рус ҳарбий қўшинлари, амалдорларнинг оилалари ҳам жойлаштирилган бўлиб, бу ҳолатлар ўлкада христиан дини вакиллари сонининг кескин

кўпайишига олиб келди. Мамлакатда ўз ҳукмронлигини ўрнатган Россия империясида христианликнинг православ мазҳаби ҳукмрон бўлгани туфайли ҳам уларнинг диний эътиқодлари учун тегишли шароитлар яратиб берилди. Туркистонга 1865 йилда рус қўшинлари кириб келиши биланоқ илк православ руҳонийлари пайдо бўлди. Шаҳарда рус ҳарбийлари учун вақтингчалик ибодат уйлари ташкил этилади. Дастраси йилларда православ жамоалари Оренбург ва Томск епархиялари таркибида бўлади. Рус аҳолиси кўпайиб бориши билан муентазам фаолият кўрсатувчи ибодатхона ва руҳонийларга эҳтиёж кучайиб, 1871 йилда Тошкент ва Туркистон Епархияси ташкил этилади. Лекин генерал-губернатор К.П.Кауфман Тошкентда кафедра очилишига розилик бермагани туфайли Епархия Верний (хозирги Олма-ота) шахрида ташкил этилади. Православ черковлари деярли барча йирик шаҳарларда ташкил этилади. Чунки барча йирик шаҳарлар вилоят ва уезд марказлари бўлиб, уларда жуда кўп рус аҳолиси – амалдорлар, ҳарбийлар, саноатчилар, савдогарлар, темир йўл хизматчилари яшардилар. Йирик шаҳарларнинг барчасида рус аҳолиси учун “янги шаҳарлар” ташкил этилган бўлиб, бу ерларда улар учун барча шарт-шароитлар – театр, парк, дорихона, касалхона ва албатта, черковлар ташкил этилган. Тошкентда 16 та православ ибодатхоналари ташкил этилган эди. 1873 йилда Тошкент яқинида православ аёллар учун илк монастир ҳам ташкил этилади.

Христиан динининг православ мазҳаби давлат ҳимояси остида бўлгани туфайли унинг кенгайиши ва мустаҳкамланиши учун маблағ ва имкониятлар етарли эди. Ўлкага кўчиб келаётган руслар асосан православлар бўлгани учун бу жамоа йил сайин кўпайиб борди ва улар сони эса 1897 йилда 197.420 киши бўлган бўлса, 1911 йилга келиб, 451.415 кишига етади, яъни қарийб 2 баробарга кўпаяди[2].

1916 йилдан бошлаб, «Туркистон епархияси хабарлари» («Туркестанские епархиальные ведомости») номли ойлик журнал чиқарила бошланди. Ўлкада православлар мавқенини мустаҳкамлаш ва улар учун ибодатхоналар қуриш ва кўпайтириш, жамоаларни рўйхатга олишда бу ерда хизмат қилган епископлар Александр ва Дмитрий (Абашидзе)нинг роли катта бўлган. 1909 йилда христиан дини уламоларининг Туркистон съезди ҳам бўлиб ўтади. 1916 йилга келиб, епархия кафедраси Верний шахридан Тошкентга кўчирилади.

Туркистонда христиан динининг православ оқимиға мансуб кишилар билан бир қаторда лютеран ва католиклар ҳам бор эди. Католиклар сони 1897 йилда 5.579 киши бўлган бўлса, 1911 йилда 7.876 кишига етди[2]. Гарчи, ҳарбийларнинг диний эътиқодлари учун шароитлар қилиб берилган бўлса-да, католиклар ўз ибодатхоналарига бир неча йил кейин эришадилар. Тошкентдаги католиклар 1875 йилда римкатоликлар митрополитига мурожаат қилиб, ўзлари учун капеллан жўнатишни сўрашади. Лекин бунга улар фақат 1883 йилда эришадилар. Ўша йили Тошкентга Минскдан Каноник Фердинант келиши муносабати билан илк капелляция очилади. Аммо, капеллан Минскка қайтиб кетиши билан ибодатхона ёпилиб, биноси сотиб юборилади. XIX аср охирида католиклар евангел-лютеранларнинг ибодатхоналари (кирх)да ибодат қила бошлайдилар. Уларнинг ўз ибодатхоналарига эга бўлиш ҳақида ҳукуматга қилган мурожаатлари турли баҳоналар билан рад этиб келинган.

Империя ҳукуматининг католик оқимиға нисбатан сиқиширув сиёсати туфайли католиклар XX аср бошига қадар ўз ибодатхоналарига эга бўла олмади. 1902 йилда Туркистон ўлкасида рим-католик черковлари учун курат штати ажратилиб, бу лавозимга

Юстинас Бонавентура Пранайтис тайинланади ва шу даврдан бошлаб, рим-католик чёрковига асос солинади. Лекин унга ибодатни лотин тилида олиб бориш шарти кўйилади. Чунки католиклар ичида сургун қилинган поляклар кўп бўлиб, империя ҳукумати уларнинг мулоқоти ва бирлашувидан жуда хавотирда эди. Черковда ибодатдан ташқари католиклар орасида чўқинтириш ҳамда туғилиш, никоҳ, ўлим ҳолатларини қайд этиш ишлари олиб борилади.

1905 йилда ҳукумат Туркистон қўшинларидағи рим-католиклар ва евангеллютеранларга 1 йилда 3 марта православ ибодатхоналарида маълум кунларда ибодат қилишга рухсат беради. Баъзи вилоятларда католиклар учун ибодат уйлари ташкил этила бошланади. 1905 йилда Скобелев ва Қизил-Арват шаҳарларида часовня қурилади. Лекин Тошкент шаҳрида католиклар учун костел қуриш масаласи ҳукумат томонидан “христиан динининг икки оқими бир-биридан фарқ қилиши туфайли уларнинг ибодатхоналари ҳам бир-биридан узоқ бўлиши керак”, деган баҳона билан рад этилади.

1914-1915 йилларга келиб, Туркистонга Биринчи жаҳон урушида Россия томонидан асир олинган Австрия, Польша ва Венгрия фуқаролари жўнатилади. Пранайтис ҳукуматга мурожаат қилиб, уларни қурилишга жалб этишга рухсат сўрайди. Асиirlар ичида малакали архитекторлар, ҳайкалтарош ва қурилиш мутахассислари кўп бўлиб, улар костел лойиҳасини қайта ишлаб чиқишидаи ва қурилиш ишлари бошланади. Костел 25 метр баландликда қурилади. Пранайтис уни худди Санкт-Петербургдаги костел каби маҳобатли бўлишини хоҳларди. Пранайтиснинг ўлими туфайли костел қурилиши охиригача етмай қолади. Католикларнинг империя ҳукумати томонидан сиқувга олишига қарамай, улар ўз эътиқодларини сақлаб қолиш учун ҳамма имкониятларни ишга солади ва бунда курат Пранайтиснинг роли катта бўлади. Ҳукумат католикларга доим ғашлик билан қараб келади. 1910 йилда католик курати Пранайтисни православ мазҳабидаги кишини католикка оғдириб олганликда айблаб, уни судга беради. Маълум бўлишича, Пранайтис католик вакили билан православ вакили бўлган эркак ва аёлни никоҳлаган. Ўлкадаги католиклар сони православларнига нисбатан анча кам бўлса-да, турли омиллар таъсирида кўпайиб борди. 1897 йилда уларнинг сони 5.579 киши бўлган бўлса, 1911 йилда 7.876 кишига етади[2].

Бу даврда Тошкентда яхудийлар ҳам йил сайин кўпайиб боради. Россия империяси XIX аср ўртасида Ўрта Осиё хонликлари билан савдо алоқалари олиб борища Бухоро яхудийларига катта имкониятлар яратиб, уларга империя ҳудудида ўрнашиб, савдо ярмаркаларда савдо қилиш ҳуқуқларини беради. Бу эса яхудийларнинг Ўрта Осиёнинг Россия билан алоқасида фаол иштирок этишига имкон беради. Бундай имкониятлар туфайли яхудийлар Россия империясига катта хайриҳоҳлик билан қараб, ўлкани босиб олишини ижобий кутиб олишидаи ва баъзи ҳолатларда ҳатто, ёрдам ҳам беришади.

Империя ҳукумати яхудийларнинг бу хизматидан унумли фойдаланади ва ўлкани эгаллаб олгач, Туркистон ҳудудида уларга катта имкониятлар яратади. Бухоро яхудийлари савдо гильдияларига аъзо бўлиш орқали империя фуқаролигини қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлишидаи, солиқ тизимидағи илгариги чеклашлардан озод бўлишидаи. Бундай имтиёзлар туфайли Тошкентга Бухоро амирлигидан кўплаб яхудийлар кўчиб келади. 1897 йилда уларнинг сони 11.444 киши бўлган бўлса, 1911 йилга келиб, 25.974 кишига етади[2].

МУҲОКАМА

Туркистоннинг илк даврдаги православ черкови эътиқодлиларининг сонини аниқлаш мушкул. Чунки худудда илк бора аҳолини рўйхатга олиш ишлари 1897 йилдагина амалга оширилгани буни асослайди.

Тадқиқотчи Сыряпкина православ черковининг мазкур худудда вужудга келиш ва ривожланиш тарихи 3 (уч) босқичга бўлинишини таъкидлаб ўтади, жумладан:

- Чор Россияси ҳукмронлиги даври;
- Совет ҳокимияти даври;
- Мустақиллик даври[2];

Биринчи босқич. Туркистон ўлкасида православ черковлари XIX асрнинг 40 йилларидан фаолият кўрсата бошлаган. Минтақага рус армияси билан бирга полк руҳонийлари ҳам кириб келган. Ҳарбийлар ва ўлка бошқарув идоралари ходимлари билан бир қаторда Россиянинг марказий минтақаларидан камбағал, ерсиз чорикорлар кўчириб келиниши ҳисобига ўлгадаги православ христианларининг сони ортиб борди.

Ана шу жараёнларнинг таъсири натижасида Ўрта Осиёда муқим православ черковлари ҳам қурила бошлади. Уларнинг биринчиси 1847 йил Сирдарё вилоятидаги Раим истеҳкомида қурилди. Шундан сўнг Тошкент (1865), Жиззах (1866), Авлиё ота (1866), Жулек ва Мерке (1866), Туркистон (1866), Ўратепа (1867), Чиноз (1868), Чимкент (1868) православ жамоалари ташкил қилиниб, уларда доимий ҳарбий руҳонийлар фаолият олиб борди. Сўнгра Зарафшон округига қарашли Самарқанд ва Каттақўрғонда ҳам жамоалар шаклланди[3]. 1871 йилда Россия императорининг фармонига биноан Рус православ черковининг Тошкент ва Туркистон епархияси ташкил этилган. Унинг маркази этиб Верний (ҳозирги Олмаота) шаҳри танланган. 1916 йилнинг охирларига келиб епархия маркази Тошкентга кўчирилган[3]. Черковлар сони Ўзбекистонда нисбатан кўп экани эътиборга молик саналади. Бу XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларида Россия империясининг жанубий чеккалари, яъни Туркистоннинг ривожланиши билан боғлиқ.

Бу хронологик даврда давлат Туркистон генерал ҳукуматида православ динининг тарқалишини қўллаб-қувватлади. Православлик кўчиб келган аҳолининг маънавий ва ахлоқий эҳтиёжларини таъминлади. Россия православ дәҳқонларини Туркистонга кўчиришни мақсадли равишда рағбатлантириди. Шу мақсадга мувофиқ, Туркистон маъмурияти XIX аср охири XX аср бошларида православ аҳолининг диний эҳтиёжларини қондиришга тўлиқ ҳисса қўшишга интилди. Барча янги келган православлар автоматик равишда рус православ черковининг ғамхўрлигига топширилди. 1871 йилда Туркистон ва Тошкент епархияси тузилди. Ибодат уйлари дастлаб аҳоли пунктларида ташкил этилган, иқтисодий вазият яхшилангани сабабли, жамоат черков қурилиши учун пул олган. Баъзан ибодатхона қўшни қишлоқлардан келганларни ҳам қабул қилган. Туркистон шаҳарларида секин-аста йирик соборлар пайдо бўлди. Давлат православликни қўллаб-қувватлаган, чунки Туркистон босиб олингандан то Ўзбекистонда совет ҳокимияти ўрнатилгунга қадар православлик руслар учун минтақанинг туб аҳолисидан ажратиб турувчи муҳим идентификация мезони бўлган.

Империя томонидан эгалланган худудда православликни ёйишдан асосий мақсад кўчириб келтирилган рус аҳолисини йиғиб, уларни хурофот ва иллатлардан ҳимоя қиласиган ва ёш авлод учун маълумот манбай сифатида қўллашдан иборат бўлган. Кўчириш бошқармаси қошидаги маҳсус топшириклар бўйича масъул ходим Н.Гавриловнинг вилоятда черковлар қурилиши тўғрисидаги маъruzасида диннинг ўлкада

тарқалиши империянинг чексизлик сари интилишини ифодаловчи восита сифатида талқин этилади. Тадқиқотчи Атажанова томонидан олиб борилган тадқиқотда кўчирилган аҳоли орасида миссионерлар мавжуд экани қайд этилган[4].

Бу даврда асосий рус-православ черковлари очилган худудлар сифатида Тошкент ва Фарғона водийсини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Кейинчалик эгалланган худудлар сонининг ўсиб бориши натижасида Самарқанд ва Бухоро сингари йирик шаҳарларда ҳам эътиқод қилувчи жамоалар ва черковлар очилди.

Иккинчи босқич Совет давлати давридаги православлик. Мазкур давлат вужудга келиши билан ғоявий доҳийлар К.Маркс ва Ф.Энгельс томонидан динга бўлган муносабат этalon сифатида татбиқ этилиб, 1920-1930 йилларда атеизмни ўзининг шиорларидан бири деб эълон қилган Совет давлати шароитида православ руҳонийлари янги қийинчиликларга дуч келишди. 1939 йил кузига қадар СССР сиёсий раҳбарияти НКВДнинг фаол ёрдами билан православ черковини бутунлай йўқ қилиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб кўйди. 1939 йилга келиб руҳонийларнинг аксарияти ҳамда епископларнинг катта қисми жисмонан йўқ қилинган ёки қамоқда эди. Бунинг асосий сабаби қизил инқилоб даврида черковнинг эгаллаган позициясида эди, яъни черков фуқаролар уруши даврида қизил армияга қарши кучларни қўллаб-қувватлади (контреволюцияни қўллади).

Черковга нисбатан юритилган сиёсат 1943 йилга келибгина юмшаганини кўриш мумкин. Черков ва унинг хизматчилари орасида реновацион ажралиш, черковлар, соборларни эса вайрон қилиш ва православлар сонининг қисқариши бу даврга хос хусусиятлар ҳисобланади. Буларнинг барчаси православ эътиқодидаги одамлар сонини сезиларли даражада камайтириди, якшанба ва бошқа православ байрамлари эътиқодлилар учун муқаддаслик тимсоли сифатидаги маъносини камайтириди. Инқилобдан олдинги даврда йирик православ соборлари бўлган шаҳарларда совет раҳбарияти черковлар очилишига қисман руҳсат берган. Масалан, 1946 йилда Фарғонада Польша черкови биносида православ ибодатхонаси очилган. Тошкент вилояти ва бошқа худудларда саноатлашув жараёни натижасида пайдо бўлган совет шаҳарларида эътиқодий тушунчалар жуда суст тарқалган ва қисман черковлар мавжуд бўлмаган. Бу эса ўз навбатида совет идеологияси руҳида тарбияланган жамиятнинг диндан анча узоқлашганини яна бир бор исботлайди.

Учинчи босқич. СССР парчаланиши натижасида иттифоқ таркибидаги республикалар миллий руҳдаги алоҳида давлат қура бошлади. Айнан мазкур даврда черков ва унинг фаолиятини ташкил этишда силжиш рўй берганини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби, мустақил давлатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасида диний эркинлик масаласи конституциявий асосга эга бўлгани (18,31-моддалар) билан изоҳланади.

Давлат атеизм сиёсатини рад этиши ортидан турли диний ташкилотлар, шу жумладан, Рус православ черкови (Москва Патриархияси) жамоаларининг кескин кўпайишига ва шунга мос равишда илгари ёпиленган черковларнинг оммавий очилишига, янгиларининг пайдо бўлишига олиб келди. Ўзбекистонда йирик аҳоли пунктларининг энг мос иншоотларини ибодатхоналарга мослаштириш амалиёти фаол жорий этила бошланди. Мустақиллик йилларида диний соҳадаги ижобий сиёсат олиб борилишига қарамасдан православ черковлари сони асосан шаҳарларда очилди, қишлоқ ва чекка худудларда янги черковлар вужудга келмади[5].

Бу иқтисодий жиҳатдан қудратли саналган Россия Федерациясининг олиб борган янги демографик сиёсати натижасида Иттифоқ республикаларида яшовчи этник русларнинг ортга қайтиши билан изоҳланади. Жумладан, сўнгги аҳолини рўйхатга олиш олиб борилган 1989 йилда этник руслар (бошқа славян халқлари, греклар билан бирга) умумий аҳоли сонига нисбатан тахминан 5,5 фоиздан кўп қисмини ташкил этган, мазкур фоиз кўрсаткичи 2013 йилга келиб тахминан 3 фоиз атрофида бўлган[6].

Бугунги кунда Ўзбекистон ҳудудида жойлашган черковлар сони 38 тани ташкил этади (1991 йилдан мазкур сон 34 тани ташкил этган, бу ҳам совет даврида олиб борилган сиёсат мустақиллик даврида олиб борилмаганлиги исботи саналади, зеро, аҳоли сонига нисбатан рус ва ўзга славян халқлари улуши камайган бўлишига қарамасдан черковлар сони прогрессив кўринишга эга), шу билан бирга, диний хизматчиларни етиштириб берувчи 1 та рус-православ семинарияси фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси конфессиялар ишлари кенгаши таркиби мазкур жамоа етакчиси вакил сифатида киритилган[7].

Православ черковларининг асосий қисми бадиий-тарихий қийматга эга бўлгани сабабли кўчмас мулкнинг моддий-маданий мерос объектлари рўйхатига киритилиб, давлат муҳофазасига олинган. «Русский Мир» фонди томонидан 2017 йилда олиб борилган социологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадаки, рус-православ черкови ва унга эътиқод қилувчиларнинг Ўзбекистонда диний эътиқод қилишида монелик йўқлигини икки халқ ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамлиги (71 фоиз респондент буни тасдиқлаган) билан изоҳлаш мумкин.

ХУЛОСА

Хуллас, XIX аср охири XX аср бошларида бу ҳудудларда номусулмон конфессиялар кўпайиб, турли дин вакилларининг сони кўпайиб борди. Ҳукуматнинг уларга нисбатан нотенг сиёсати уларнинг ўз диний эътиқодларини амалга ошириша сунъий тўсиқлар яратса-да, ўзаро муносабатларида диний тўқнашувлар содир бўлмади. Аксинча, асрлар давомида диний бағрикенглик хислатларига эга бўлган Туркистон халқлари бошқа дин вакиллари билан тинч қўшничилик муносабатларини олиб боришиди, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйишиди.

REFERENCES

1. Сиряпкина Ю.Н. Православная церковь в Узбекистане во второй половине XIX – начале XXI века под влиянием политики центральной власти // Вестник Кемеровского государственного университета 2015 № 4 (64) Т. 1. С. 42.
2. Любимов П.П. Религии и вероисповедный состав Азиатской России. Петроград, 1914. С. 44-45
3. Ибрагимов Э.Ф. Ўзбекистонда христиан конфессиялари фаолияти ва уларнинг диний бағрикенглик анъаналари шаклланишида тутган ўрни 24.00.01 — Диншунослик тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. Тошкент – 2010. –Б. 15.
4. Атаджанова С. Э. Миссионерская деятельность Российской православной церкви в конце XIX – начале XX веков в Средней Азии // Бюллетень науки и практики. 2020. Т. 6. №3. С. 550-554.

5. Стациенко С. Специфика современного конфессионального состояния православной диаспоры в Средней Азии // Вторие востоковедческие чтения памяти Н. П. Остроумова. Ташкент, 2010. С. 301 – 328.
6. Этнический атлас Узбекистана. Институт «Открытое общество», 2002.
7. <https://lex.uz/docs/3685963?ONDATE=18.04.2018%2000>
8. Siddikov, I. (2021). Traditions Of Philosophy, Fiqh And Philosophy In The Theological Views Of The Middle East. Interconf.
9. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
10. Bakhromovich, S. I. (2021). Views On The Role Of Science In Human And Society Life In Islamic Teaching. International Journal Of Philosophical Studies And Social Sciences, 1(3), 79-86.
11. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
12. Siddiqov, I. (2022). Dialectical And Synergetic Features Of The Development Of Theological And Epistemological Views In Medieval Eastern Islam.
13. Siddiqov, I. B. (2022). Mutual Synthesis Of Medieval Islam Gnoseology And Theology.
14. Siddiqov, I. B. (2018). Social And Philisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. European Science Review, (7-8), 296-298.
15. Bakhromovich, S. I. Social And Physical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. July–August, 289.